Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№119 (4517).
28 МАЙ 1981 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Тежамкорлик — яхши хислат*

ТАКЛИФЛАР САМАРАСИ

В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг ишчи ва хизматчилари тежамкорлик юришида фаол қатнашмоқдалар. «Ҳамма нарсадан тежайлик!» шиори кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилган. Айниқса, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли йил бошидан буён 6 минг киловатт-соатдан кўпроқ электр энергиясини тежашга муваффақ бўлинди.

Бундай тежамкорликка рационализаторлар ва ишчиларнинг фойдали таклифларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришга турли технологик жараёнларни жорий этиш, энергетика ускуналарини такомиллаштириш туфайли эришилмоқда.

Масалан, ишлаб чиқаришда махсус эмалдан фойдаланишга ўтилганлиги туфайли 8 та қуритиш шкафини камайтириш ҳамда йилига 2 минг киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси тежаш имконини бермоқда. Шунингдек, печларда иссиқлик изоляцияларининг пухталанганлиги туфайли истеъмол қилинадиган электр энергиясининг 30 процентни иқтисод қилинмоқда.

Бундан ташқари, электр, иссиқлик энергияси, хом ашё ва материалларнинг белгиланган нормада сарфланиши юзасидан текширув ва рейдлар ўтказиб турилади. Йил бошидан буён ана шу мақсадда тўрт марта рейд ўтказилди. Рейддан сўнг электр энергия ва хом ашёни тежашга қаратилган бир қатор амалий таклифлар айтилди.



Тошкентдаги «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш борасида фидокорона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: бирлашма филиали тикувчилик цехининг ёш чевар тикувчиси Тожигул Жабборова. Бу ёш ишчи мунтазам юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга смена-ойлик топшириқларини 120—130 процент адо этмоқда.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

• КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга

• Қардошлик қонунига биноан

• Санъатнинг сеҳрли олами

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ПАРДОЗ ИШЛАРИ АВЖИДА

Пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» ва Ўзбекистон кўчалари туташган чорраҳа атрофида маъмурий ва уй-жой бинолари қурилиши кенг миқёсда олиб борилаяпти. Жумладан, тўққиз ва ўн икки қаватли биноларнинг бир-бирига уйғунлаштириб жойлаштирилаётганлиги ва тўққиз қаватли биноларнинг биринчи қаватларидан ўрин олаётган савдо ва маиший хизмат тармоқлари «Халқлар дўстлиги» майдони қиёфасини ҳар қачонгидан ҳам гўзаллаштириб юборяпти.

Шу кунларда бу ерда Тошкент метрополитени бошқармасининг маъмурий биноси ва 80 квартирали уй-жой комплекслари қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли Пардозлаш трести 11-қурилиш бошқармасининг сувоқчи ва дурадгорлар, сэйқалчилардан иборат кўпчилик бригадалари бинонинг барча қаватларида жилокорлик ишларини авж олдириб юбордилар. Бошқарманинг Р. Тоғаев, А. Воҳидов, Э. Байрамов бошлиқ сувоқчилик бригадалари жилокорлар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. М. Назаров, Ш. Юсупов бошлиқ дурадгорлар бригадалари эса дереза ва эшикларни ўрнатиб, паркет қоқишга тайёргарлик кўришмоқда.

Бошқарманинг Х. Комилов ва Х. Мазитов бошлиқ сайқалчилари смена топшириқларини ошириб адо этишмоқда. Бу пешқадам жилокорлар объектни иккинчи квартални охиригача фойдаланишга топшириш ниятида.

• *Умри боқий дўстлик*

ИККИ КЎРГАЗМА ЮБОРИЛАДИ

БУГУН

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли виставкалар ва панорамалар дирекциясининг санъатшунос мутахассислари никита тасвирий санъат кўргазмасини тайёрлашга киришдилар. Дирекциянинг санъатшунос ходими Раъно Ўткировна Хўжаева бундай деди:

— Бу кўргазмалар Россия Федерациясининг Ноқоратупроқ зона ўлкаларида меҳнат қилаётган ўзбекистонлик бунёдкорларга аталган. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг ташаббуси билан Иваново ва Новгород областларида тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик кўргазмаларини намойиш этиш планлаштирилди. Яқин кунларда бунинг экспонатлари танланади, маҳсус яшикларга солинади ва адреслари бўйлаб жўнатилади.

Яқинда бу маданият ходимлари ана шу областларда бўлиб, республикамизнигит ва қизлари олиб бораётган саҳоватли ишлар билан танишдилар. Улар ўзларининг бажарган ишлари ва келгуси режалари ҳақида гапириб беришди. Ўзбекистоннинг маданий ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдиришди. Биз сўз билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси халқлари ўртасида биродарлик, дўстлик ва маданий алоқаларимиз бундан буён ҳам кенг кўламда ривожланиб боради.

ҒОЛИБЛАР ЮТУҒИ

4-дон маҳсулотлари комбинати бир неча йилдан бери Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келяпти. Ғолибларнинг бу йилги меҳнат ғайратлари ҳам чакки эмас. Улар социалистик мусобақани авж олдириб, ўн биринчи бўлиб йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилишяпти.

БУГУН

комбинатда маҳсулот реализация қилиш бўйича беш ойлик топшириқ муддатидан илгари адо этилди. Коллектив савдо тармоқларига ва чорвачилик фермаларига 25 миллион 700 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот юборди.

Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун давом этаётган мусобақада 1-шоли оқлаш цехи коллективи пешқадамлик қилаяпти. Ишчилар ўртасидаги меҳнат беллашувида эса шоли оқловчилар Т. Бондаренко, В. Горбачев каби меҳнат илғорлари ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Корхонада ой охиригача планга қўшимча 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.



Тошкент тепловоз депоси машинистлари ўн биринчи беш йилликда пассажирлар ва халқ хўжалиги юкларини ташиш бўйича жуда катта социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Ушбу суратда илғор машинистлар (чапдан ўнгга) М. Костерин, Г. Серебряков ва М. Раҳимовлар акс этган. Улар ўз зиммаларидаги социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

ТРАНСПОРТЧИЛАР ЗАФАРИ

Шаҳримиздаги юкларни марказлаштирилган усулда ташиш трестига қарашли автомобиль корхоналари ўртасида 1-автобаза коллективи пешқадамлик қиляпти. **Ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли адо этаётган транспортчилар йил бошидан буён планга қўшимча равишда 15 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юкларини манзилларига элтиб беришди. Иқтисодий тежамкорлик юришида фаол қатнашиб, шу йилнинг тўрт ойида 6,5 минг литр бензин, 2,5 минг киловатт-соат электр энергияси ва бошқа энергия ресурсларини тежашга муваффақ бўлдилар.**

Хом ашё, ёнилғи-энергетика ресурсларидан окилона фойдаланиш бўйича Бутуниттифоқ кўригига қўшилган транспортчилар ўн биринчи беш йилликда 870 тонна бензин, 62 минг киловатт-соат электр энергияси, 350 гигакалорий иссиқлик энергияси, 41 тонна металл, 645 комплект автомашина шиналарини, 100 минг сўмликдан кўпроқ материаллар тежаш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган. Йил бошидан буён бу борада эришилган ютуқлар корхона коллективи план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этаётганлигидан далолат бериб турибди.

ТАКОМИЛЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯДА

Шаҳримиздаги «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструктор-технологлари болалар учун мўлжалланган ўйинчоқлар янги намуналарини тайёрлайдилар. Булар бирмунча такомиллашган технология асосидаги аравачалар, янги хил ағдарма автомобиль, кубик ва бошқа буюмлардир.

Бирлашма коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида 3 миллион 800 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни планлаштирган. Жумладан, маҳсулотнинг учдан икки қисмидан кўпроги, яъни 2 миллион 860 минг сўмлиги болалар ўйинчоқларини ташкил этади. Республикамиз ҳукумати бирлашма коллективи олдига 1981 йилда болалар ўйинчоқларини қариб ярим миллион сўмликка оширишни вазифа қилиб қўйди. Ана шу мақсадда йил бошидан буён ўйинчоқларнинг уч хил янги номдагисини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган ўзаро социалистик мусобақада коммунистлар катори Қ. Зокирова, Р. Хошимова, В. Қосимов, А. Чемпосов, В. Фетисов, О. Франазаров, М. Шитов каби халқ депутатлари олдинги сафда боришяпти.

ТРАНСПОРТЧИЛАР ЗАФАРИ

Шаҳримиздаги юкларни марказлаштирилган усулда ташиш трестига қарашли автомобиль корхоналари ўртасида 1-автобаза коллективи пешқадамлик қиляпти. **Ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли адо этаётган транспортчилар йил бошидан буён планга қўшимча равишда 15 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юкларини манзилларига элтиб беришди. Иқтисодий тежамкорлик юришида фаол қатнашиб, шу йилнинг тўрт ойида 6,5 минг литр бензин, 2,5 минг киловатт-соат электр энергияси ва бошқа энергия ресурсларини тежашга муваффақ бўлдилар.**

Хом ашё, ёнилғи-энергетика ресурсларидан окилона фойдаланиш бўйича Бутуниттифоқ кўригига қўшилган транспортчилар ўн биринчи беш йилликда 870 тонна бензин, 62 минг киловатт-соат электр энергияси, 350 гигакалорий иссиқлик энергияси, 41 тонна металл, 645 комплект автомашина шиналарини, 100 минг сўмликдан кўпроқ материаллар тежаш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган. Йил бошидан буён бу борада эришилган ютуқлар корхона коллективи план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этаётганлигидан далолат бериб турибди.

ТАКОМИЛЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯДА

Шаҳримиздаги «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструктор-технологлари болалар учун мўлжалланган ўйинчоқлар янги намуналарини тайёрлайдилар. Булар бирмунча такомиллашган технология асосидаги аравачалар, янги хил ағдарма автомобиль, кубик ва бошқа буюмлардир.

Бирлашма коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида 3 миллион 800 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни планлаштирган. Жумладан, маҳсулотнинг учдан икки қисмидан кўпроги, яъни 2 миллион 860 минг сўмлиги болалар ўйинчоқларини ташкил этади. Республикамиз ҳукумати бирлашма коллективи олдига 1981 йилда болалар ўйинчоқларини қариб ярим миллион сўмликка оширишни вазифа қилиб қўйди. Ана шу мақсадда йил бошидан буён ўйинчоқларнинг уч хил янги номдагисини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган ўзаро социалистик мусобақада коммунистлар катори Қ. Зокирова, Р. Хошимова, В. Қосимов, А. Чемпосов, В. Фетисов, О. Франазаров, М. Шитов каби халқ депутатлари олдинги сафда боришяпти.

КЎТАРИНКИ РУҲ БИЛАН

Ўнинчи беш йиллик топшириқларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ва социалистик мажбуриятларини ошиғи билан адо этиб, тармоқ корхоналари ўртасидаги мусобақада ғолиблар сафидан ўрин олган Тошкент подшипниклар ремонти заводи шу кунларда КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириш мақсадида тер тўкмоқда. Ўтган беш йилликда ремонтчилар қишлоқ хўжалик техникаси учун зарур бўлган жуда кўп подшипникларни ремонтдан чиқардилар, пландан ташқари 240 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Корхонада шоиллы саналар шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаш одат тусига кириб қолган. Жумладан, Мутал Ғуломов, Николай Прохоровский, Хакима Зокирова, Нина Михайлина, Кира Михайлова каби ишлаб чиқариш илғорлари фақат меҳнатда эмас, мураббийчилик ҳаракатида ҳам намуна кўрсатяптилар.

Айни кунларда завод меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга жорий этиш мақсадида кўтаринки руҳ билан меҳнат қиляптилар. Йилнинг тўрт ойлик плани барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли уддаланди. Бу меҳнат зафари беш ойлик планни ҳам муддатидан илгари адо этиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, завод меҳнаткашлари эришилган ютуқлар билан чегараланмай, уларни ортга қолдириб, янги зафарлар сари одимлашяпти.

И. ФАТТОХОВ.

• ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА БУЮРТМАЧИ МАМНУН

БУГУН

Тошкентдаги «Компрессор» заводининг коллективи ўзининг доимий буюртмачиларидан бири — Болгария Халқ Республикасидан олинган топшириқни бажарди. Бу мамлакатга қудратли компрессор машиналарнинг навбатдаги туркуми юборилди.

Корхона бош инженерининг ўринбосари Анвар Тешабоевич Султонов машинасозларнинг экспорт ишлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Биз шу йилнинг иккинчи кварталида 61 та машинани экспортга юборишимиз лозим. Шундан 37 та машина Болгарияга жўнатилди. Бугун йўлга чиққан маҳсулотимиз билан дўстларимиз оладиган машинанинг сони 40 та бўлади. Озодлик ороли Куба ҳам корхонанинг доимий мижози ҳисобланади. У ерга ҳар йили маҳсулотимиз етказиб берямиз. Мана шу кварталда Гаванага 10 та машина етказиб беришимиз керак эди. Ҳозир учтаси жўнатилди. Яқин кунларда еттитаси етиб боради.

Бундан ташқари Яман Халқ Демократик Республикаси, Жазоир, Монголия, Нигерияга ҳам кўплаб машиналар юборияпти. Шу йилнинг биринчи кварталида номи тилга олинган мамлакатларга 66 та машина етказиб берилди.

Идеология ишлари хроникаси

СЪЕЗД ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Партия XXVI съезди қарорлари асосида идеология ишларининг самарадорлигини янада ошириш масалалари В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитетининг диққат марказида турибди. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда бунга алоҳида эътибор берилди.

Корхона партия комитетининг секретари М. Расулов «Партия ҳаётининг ленинча нормалари, партиявий раҳбарлик принциплари ва унинг КПСС XXVI съезди томонидан ижодий ривожлантирилиши» мавзусида сўзлади. Партия комитети секретарининг идеология ишлари бўйича ўринбосари Ц. Свинцова эса идеология ишларига комплекс ёндошиш ҳақида гапирди. Бундан ташқари тўпланганлар корхона директорининг ўринбосари А. Ефимовнинг «Раҳбар, ташкилотчи ва тарбиячи» мавзусидаги суҳбатини тингладилар. Унда цех партия ташкилотларининг секретарлари, партия группаларининг ташкилотчилари, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар идеология ишларини съезд талаблари даражасига кўтариш юзасидан қимматли тавсиялар олишди.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИГА ЭЪТИБОР

Корхонада «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг 107 аъзоси бор. Улар мамлакатимиз коммунистлари анжуманларини материалларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида илгари сурилган қоида ва хулосаларни тингловчилар онги ва қалбига етказмоқдалар. Бу ерда В. И. Ленин номли электрон-техника заводи лекторлари, идеология активистлари учун корхона партия комитетида мунтазам суратда ахборот конференциялари ўтказиб турибди.

Уларда съезд қарорларидан келиб чиқиб бевосита корхона олдида турган вазифаларга кенг ўрин бериляпти. Навбатдаги ахборот конференцияси фан-техника тараққиётига бағишланди. Лекторлар Наум Миндлин, Валерий Татиосов тўпланганларга съезд талаблари асосида корхонада фан-техника ютуқларини янада кенгроқ жорий этиш масалалари ҳақида қизиқарли лекциялар ўқишди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

БУГУН

Тошкент халқ хўжалик институтида ўрта мактабларнинг битирувчилари учун очиқ эшиклар куни ўтказилди. Олий ўқув юртининг ўқитувчилари мактаблар ўқувчиларига бу ерда таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, ўргатиладиган ихтисосликлар, абитуриентларга яратиб берилаётган шароитлар, кафедралар ва лабораторияларда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Институт ўқув ишлари бўйича проректори, доцент, Х. М. Муродов кекса олий ўқув юртининг умумий фаолияти ҳақида қуйидагиларни маълум қилди:

— Институтимиз ташкил этилганига 50 йил бўлди. Коллектив шу кунларда ана шу санани нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Олий билим даргоҳи ўз фаолияти давомида мамлакатимиз халқ хўжалиги учун 36 мингдан зиёд экономист тайёрлаб берди. Социалистик экономикамизнинг мутахассислар бошланганига анча бўлган эди. Бу ишлар ҳозир ниҳоясига етяпти. Ўтган йил декабрь ойида «Олтин қум» пансионатида 97 ўринли янги корпус ишга туширилди. Ҳозир шундай корпусдан яна битаси қурилаяпти.

«Чиноз», «Саломатлик», «Олтин қум» пансионатлари 20 майдан дастлабки дам олувчиларни қабул қилди.

БУГУН

«Кристалл» пансионатида ва иккита пионер лагерида ремонт ишлари тугалланди. Бу оромгоҳларга дам олувчилар 1 июнда боришади.

ҚЎРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ПАРДОЗ ИШЛАРИ АВЖИДА

Пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» ва Ўзбекистон кўчалари туташган чорраҳа атрофида маъмурий ва уй-жой бинолари қурилиши кенг миқёсда олиб борилаяпти. Жумладан, тўққиз ва ўн икки қаватли биноларнинг бир-бирига уйғунлаштириб жойлаштирилаётганлиги ва тўққиз қаватли биноларнинг биринчи қаватларидан ўрин олаётган савдо ва маиший хизмат тармоқлари «Халқлар дўстлиги» майдони қиёфасини ҳар қачонгидан ҳам гўзаллаштириб юборяпти.

Шу кунларда бу ерда Тошкент метрополитени бошқармасининг маъмурий биноси ва 80 квартирали уй-жой комплекслари қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли Пардозлаш трести 11-қурилиш бошқармасининг сувоқчи ва дурадгорлар, сэйқалчилардан иборат кўпчилик бригадалари бинонинг барча қаватларида жилокорлик ишларини авж олдириб юбордилар. Бошқарманинг Р. Тоғаев, А. Воҳидов, Э. Байрамов бошлиқ сувоқчилик бригадалари жилокорлар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. М. Назаров, Ш. Юсупов бошлиқ дурадгорлар бригадалари эса дереза ва эшикларни ўрнатиб, паркет қоқишга тайёргарлик кўришмоқда.

Бошқарманинг Х. Комилов ва Х. Мазитов бошлиқ сайқалчилари смена топшириқларини ошириб адо этишмоқда. Бу пешқадам жилокорлар объектни иккинчи кварталнинг охиригача фойдаланишга топшириш ниятида.

БУГУН

ана шу 192 квартирали уй-жой биносининг 102 квартирали икки блокдан иборат қисмида ҳам бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилади. Уй-жой комплексининг бу блокларини бинокорлар шу йилнинг охирига кадар фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида киши бошқарадиган узоқ муддатли космик учишларни ҳамда «Интеркосмос» программасига мувофиқ халқаро экипажларнинг учишларини тайёрлашда ва муваффақиятли амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар, ишчилар ва космонавтларга, барча коллективлар ва ташкилотларга табриги эълон қилинган.

⊙ 27 май куни Кремлда Совет — Иордания музокаралари ниҳоясига етди.



Тошкент трактор заводида нўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Ушбу суратда тайёр маҳсулотлар топшириш участкасининг илғор трактор синовчиси комсомол аъзоси Фарид Юнусов акс этган. У ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажармоқда.

МАВСУМ БОШЛАНДИ

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи ва хизматчиларнинг дам олишига катта аҳамият бериляпти. Корхонанинг Иссиққўлда «Олтин қум» пансионати бор. Бундан ташқари Хумсонда 300 киши дам олиши мумкин бўлган «Кристалл» пансионати, Сирдарё бўйида «Чиноз» пансионати, Тошкентнинг Собир Раҳимов районида «Саломатлик» пансионати, Оқтошда «Оқтош», Ҳўжакентда «Гулистон» пионер лагерлари мавжуд. Бу оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлаш ишларининг анча бўлган эди. Бу ишлар ҳозир ниҳоясига етяпти. Ўтган йил декабрь ойида «Олтин қум» пансионатида 97 ўринли янги корпус ишга туширилди. Ҳозир шундай корпусдан яна битаси қурилаяпти.

«Чиноз», «Саломатлик», «Олтин қум» пансионатлари 20 майдан дастлабки дам олувчиларни қабул қилди.

БУГУН

«Кристалл» пансионатида ва иккита пионер лагерида ремонт ишлари тугалланди. Бу оромгоҳларга дам олувчилар 1 июнда боришади.

Россиянинг буюк фарзанди Пушкинга

Ўзбекистон пойтахтида 6 июнь куни генпал шоир Пушкинга бағишланган байрам бошланади. Ёзувчилар, артистлар, бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари бу ерда Пушкин шеърларини, шунингдек Пушкинга бағишланган шеърларни ўқиб берадилар. Шу куни «Баҳор» концерт залида катта поэзия кечаси бўлиб ўтади.

7 июнь куни эса байрам шаҳар боғларига кўчади — очиқ саҳналарда шоир шеърлари янграйди, театр труппалари унинг асарлари асосида яратилган спектакллардан парчалар кўрсатадилар.

Пушкинхонлик бутун республикада — шаҳар ва қишлоқларда, ишчи клублари ва қишлоқ маданият уйларида ўтади. Пушкинхонлик программаси Пушкин байрамини ўтказиш республика комитетининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида ишлаб чиқилган.

(ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

● **БУДАПЕШТ.** Венгрия пойтахтида ўтаётган анъанавий баҳорги халқаро саноат ярмаркасини икки юз мингдан ортиқ томошабин келиб кўрди. Ярмаркада 26 мамлакатдан икки минг га яқин фирма ва бирлашма қатнашмоқда.

Ярмаркадаги энг катта экспозициялардан бири — совет экспозицияси ярмарка томошабинларига, савдо ташкилотлари вакилларига гоят манзур бўлмоқда. Совет корхоналари билан биргаликда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг завод ва фабрикалари иштирок этган биргаликдаги ечимлар айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар орасида металлургия, химия саноати, приборсозлик учун мўлжалланган машина ва ускуналар бор.

● ЛИССАБОН. Лиссабондаги спорт саройида «Халқ ва ватан хизматида 60 йил» виставкаси очиқ муваффақият билан ўтди. Виставка Португалия Компартиясининг 60 йиллигига бағишланди. Виставканинг жуда кўп экспонатлари томошабинларни португал халқининг фашизмга қарши олиб борган қарийб ярим асрлик кураши тарихи билан (коммунистлар ҳамиша бу курашнинг олдинги сафларида бўлдилар), курашнинг ҳозирги босқичида партия ўртага қўйётган вазифалар билан таништиради. Бу вазифалар орасида Португалияда 1974 йилги апрель революциясидан кейин содир бўлган чуқур социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгартишларни ҳимоя қилиш мамлакатнинг мустақиллик ва демократия йўлидан ривожланиши учун кураш масалалари бор. Виставка ишлай бошлаганидан буён ўтган икки ҳафта ичида уни юз мингдан ортиқ киши келиб кўрди.

● ҚОҲИРА. Миср Араб Республикаси халқ мажлисининг депутати Фарук Утван Миср соғлиғини сақлаш министрининг ўринбосари ва медицина ходимларидан яна беш кишини захарли химикатлар ишлаб чиқарадиган компаниядан пора олишда айбланади, деб хабар беради «Ал-ахбор» газетаси. Депутатнинг айтишича, компания корхоналарида меҳнат шароитини текшириш вақтида ишчилардан қон олиб анализ қилиш натижалари қалбакилаштирилиши учун пора берилган.

Ф. Утваннинг айтишича захарли химикатлар ишлаб чиқаришда халқаро конвенцияларда тақиқланган химиявий моддалардан фойдаланилмоқда. Бундай моддалар ишчилар саломатлиги учун хавфли бўлиб, атроф-муҳитни захарлайди. Анализларнинг ҳақиқий натижалари шуни кўрсатди. Фирмаларнинг хўжайинлари маъмурлар ёрдамида буни сир тутишга қарор қилганлар.

● МАПУТУ. ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети Мозамбик ўқитувчилари миллий ташкилотини ҳамда ташкилотнинг миллий таъсис конференциясини тайёрлаш ва ўтказиш билан шуғулланадиган мувофиқлаштириш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети секретариатининг баёнотида айтилишича, мамлакатдаги барча педагог кадрларни жипслаштириш ҳамда партиянинг маориф соҳасидаги программасини ташкилотнинг асосий вазифасидир. Социалистик жамият қурувчиси бўлган янги инсонни камол топтириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш бу соҳадаги партия программасининг асосий мақсадидир.

Ҳозирги вақтда Мозамбикда 20 мингдан ортиқ ўқитувчи ишлаб турибди. Яқинда «Ўқитувчилар газетаси» махсус бюллетени чоп этила бошланди.

(ТАСС).

• *Мажбуриятлар изидан*

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

АКМАЛ ИКРОМОВ ВА СЕРГЕЛИ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Мусобақадош районларнинг саноат корхоналари меҳнаткашлари тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Натижада халқ хўжалиги буюмлари реализация қилиш бўйича топшириқни Акмал Икромов райони 102,8 процент, Сергели райони 102,0 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса 102,5 процент ва 102,0 процент адо этишди. Бу планга қўшимча 1.092 минг ва 1.106 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш имконини берди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ ҳам 102,5 ва 102,0 процент адо этилди.

Умумий ишлаб чиқариш ҳажми суръати Акмал Икромов районида 5,3 процент, Сергели районида 11,5 процент юксалди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш планини районлар индустрияси 103,3 ва 103,9 процент бажаришди, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,0 ва 108,8 процентни ташкил этди.

Акмал Икромов районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 94,3 процентига, Сергели районида 78,3 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Акмал Икромов райони корхоналарида январь-апрель ойларида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 1,1 процент маҳсулот, Сергели районида 6,4 процент маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш плани районларда 102,8 ва 101,8 процент бажарилди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўтган йилнинг шу даврга нисбатан ўсиши Акмал Икромов районида 3,2 процентни, Сергели районида 23,9 процентни ташкил этди.

Мусобақадош районларда қолоқ корхоналар йўқ. Шу билан бирга Акмал Икромов районида 3 участка, 11 бригада, 66 ишчи ойлик программани уддалаша олмади, Сергели районида 2 цех, 2 участка, 5 бригада, 28 ишчи қолоқлар сафида қолди.

Қурилиш-монтаж ишларини (марказлашган молия манбалари — 1981 йилнинг январь-март ойлари маълумотлари) Акмал Икромов районида 85 процент, Сергели районида 115 процент бажарилди. Турар жойни фойдаланишга топшириш квартал плани 100 ва 156 процент бажарилди.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Миллий чолғу асбоблари фабрикаси ва бошқа корхоналарда жамоат ишлаб чиқариши самарадорлиги юксалганлиги сезилаяпти. Бу ерда сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажми 24 процентдан кўпроқа ўсди.

Бу корхона коллективи, шунингдек заргарлик, «Средазгазавтоматика» заводлари планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш, шартномадаги ҳажмда белгиланган буюмларни етказиб бериш бўйича социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалашди. Бунга ишлаб чиқаришдаги резервлардан билиб фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш туфайли муваффақ бўлинди.

Бироқ, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, сут комбинатида, «Чевар» тикувчилик бирлашмасида шартномадаги мажбуриятда белгиланган ҳажмда ва ассортиментда маҳсулот етказиб бериш вазифасини уддалаша олмади.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Йилнинг ўтган даврида корхоналарда резервлардан фойдаланиш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун кураш кучайди. Бунинг натижасида «Ўзбекпроектмебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, мебель бирлашмаси, қуёш тўқимачилик мосламалар заводи, ғўзапоядан прессланган плиталар ишлаб чиқарувчи завод маҳсулот ҳажмини сўнгги йилда 10 процентдан кўпроққа оширдилар.

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси, металл конструкциялар ва махсус заготовкалар заводи, Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси ва бошқа қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича коллективлар планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар.

Бироқ, мусобақадошларнинг оз маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шиорини амалга ошириш барча жойда ҳам кўнгилдагидек бўлди дейиш қийин. Йилнинг тўрт ойи мобайнида районнинг айрим корхоналарида пландаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда ортиқча сарфга йўл қўйилди. Товар маҳсулот таннархи 492 минг сўмликка қимматлашиб кетди. Фақат резина техника заводининг ўзида ортиқча ҳаражат 46 минг сўмни ташкил этди.

ЯНВАРЬ — АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИНИ АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИ МУДИРИ Н. РАҲИМБЕРДИЕВ ШАРҲЛАЙДИ:

— Йилнинг ўтган даврида меҳнат беллашуви натижалари таҳлил этилганида биз икки мусобақадош район саноатининг хўжалик-иқтисодий фаолияти натижаларини таққослаб кўрдик. Шунда маълум бўлдики, бир қатор кўрсаткичлар — ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлигининг, маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Сергели райони саноати юқори суръатларга эришди.

Шу нарса маълум бўлди: мавжуд резервлардан фойдаланишда, ишлаб чиқаришни бошқаришда хўжалик механизмини такомиллаштиришда биз сергелиликлардан тажриба ўрганишимиз керак.

Сўнгги йилда «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот реализацияси ҳажми 10 процентдан кўпроққа ўсди, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш эса 6.6 процент юксалди. Бир қарашда чакки эмас. Лекин бу ерда мавжуд резервлардан тўла фойдаланилмаган. Ишлаб чиқаришда бир қатор ускуналар яхши ишламади, корхона меҳнат интизоми бўшлиги туфайли жиддий зиён кўряпти. Бу корхонада 1 цех, бир қатор бригадалар қолоқлар сафида қолди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашда рационализаторлик ҳаракатини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бир қатор корхоналарда, шу жумладан кондитер комбинатида, «Средазгазавтоматика» заводида ва бошқа корхоналарда ихтиročлик ва рационализаторлик ҳаракатига дуруст эътибор берилмаяпти. Корхона партия ташкилотларининг вазифаси КПСС XXVI съезди қарорларида таъкидланганидек, ижодий фикр эгаларининг фаолиятини кучайтиришдан, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдан иборатдир.

• *Маҳсулот сифати — корхона кўзгуси*

САЛМОҒИ ОШМОҚДА

Республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида ишлаб чиқаришда ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Жумладан, ўтган беш йилликда бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришда сўзсиз пойтахт индустрияси вакиллари карвонбошилик қилишмоқда. Ҳозирги кунда шаҳримиздаги 68 та завод, фабрика ва бирлашмада маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси жорий этилган.

Бу системанинг афзаллиги бизга равшан. У халқ хўжалигимизга катта фойда келтирмоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик. Биргина шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 53 корхонанинг 731 хил буюми фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилди. Улар орасида «Средазэлектроаппарат», «Ташкенткабель», «Миконд» заводлари, «Малика» трикотаж, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ва бошқа корхоналар бор. Бу корхоналарда маҳсулот сифатини яхшилаш учун комплекс тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида улар ойдан-ойга сифатнинг олий категориясида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Бугунги кунда фахрли беш қиррали белги билан буюмлар ишлаб чиқаришда агрегат заводи (умумий маҳсулот ҳажмининг 84.5 процент миқдорида), «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (71.5 процент миқдорида), «Ташэлектромаш» заводи (85,4 процент миқдорида) пешқадамлик қиляпти. «Средазкабель» ва «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, электротехника заводи каби корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 30—50 процентини давлат Сифат белгиси қўйилган буюмлар ташкил этади.

Маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси (КСУКП)ни тўла жорий этаётган корхоналарда брак маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб, самарадорлик ошди. Масалан, «Компрессор» заводида брак маҳсулот ишлаб чиқариш 19,2 процент камайди, самарадорлик эса 4,4 процентга ўсди. Ўтган йили 1674 минг сўмлик иқтисодий самара олинди. Худди шундай мисолларни «Ташсельмаш», агрегат заводларидан ҳам келтириш мумкин.

Шуниси қувончлики, кейинги йилларда мебель саноати, маҳаллий ва енгил саноат корхоналарида ҳам маҳсулдорлик ошиб, «Н» (янгилик) индекси билан ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг тури кўпаймоқда. Юқори самарадорликка, маҳсулот сифатини яхшилашга эришаётган корхоналар рағбатлантирилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Касаба союзлари Совети, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ва республика Стандартлар бошқармаси томонидан «Маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини энг яхши жорий қилган корхоналар»нинг республика кўриги ўтказилди. Бунда Тошкент агрегат заводи, «Ўзбекхиммаш» заводи ва «Ўртоқ» кондитер фабрикалари ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олдилар. Натижада уларга ана шу ташкилотларнинг мукофоти — дипломи берилди.

Маълумки, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқбол режалари белгилаб берилиши билан бирга ишлаб чиқариш корхоналари коллективларини олдига тайёрланаётган буюмларнинг сифатини ошириш каби муҳим вазифа ҳам қўйилган. Шунга жавобан барча корхоналар, маҳсулот сифатини яхшилаш учун энг самарали усул деб топилаётган — маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этмоқдалар, корхона стандартларини ишлаб чиқмоқдалар лозим. Ана шундагина биз маҳсулот сифатини яхшилашга, фақат фахрли беш қиррали белги билан буюмлар ишлаб чиқариш салмоғини оширишга эришаверамиз.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси ходими.

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ЎРМОН, ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ ВА ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари мажбуриятларини бажаришда эришган ва социалистик муваффақиятлари учун мукофотлансин.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Таранторов Валентин Иванович — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Зиёев Убайдулла Ҳамидуллаевич — Тошкентдаги махсус мебеллар заводи дурадгорлар бригадири.

Орлянский Анатолий Александрович — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгори.

Раҳимов Жалил — «Узглавстройдревпром» «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Икромов Эркин — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгори.

Назархўжаев Комил — «Тошкент» қоғоз фабрикасининг слесари.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Аваков Григорий Александрович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар бошқарувчисининг ўринбосари.

Бухмастов Владимир Андреевич — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

Маҳамадалиев Қудратилла Ҳикматиллаевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва ёғочни қайта ишлаш Бош бошқармасининг бошлиғи.

Телешко Владимир Николаевич — Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлигининг етакчи инженери.

Умаров Абдулла Ҳакимович — Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министри.

Чепляков Валентин Павлович — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фонерчиси.

Шукуров Миркўшин Холматович — Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш министрлиги бўлимининг бошлиғи.

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Татаринкова Вера Степановна — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мебель силлиқловчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдирахмонов Абдималик — Тошкентдаги махсус мебеллар заводининг дурадгори.

Отамуҳамедов Рихсибой Хўжаевич — «Ўзбекпроектмебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Мадалимова Латифа Сандазимовна — Тошкентдаги мебель ойналари фабрикасининг ишчиси.

Мансуров Шоосил Аброрович — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгори.

Миразизова Мавлуда Жўраевна — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пардозловчиси.

Собиров Фанил Ямилович — Узглавстройдревпром» дурадгорлик буюмлари заводининг пресловчилар бригадири.

Федотов Федор Назарович — Тошкентдаги қоғоз фабрикасининг слесари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абрамова Мария Ивановна — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мебель силлиқловчиси.

Грибова Раиса Тихоновна — Тошкентдаги қоғоз фабрикасининг ишчиси.

Ильназаров Александр Антонович — «Ўзбекпроектмебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари.

Розанова Тамара Петровна — «Узглавстройдревпром» қуёш тўқиқч мосламалари заводининг комплектловчиси.

Собиров Анвар Носирович — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмаси станокчилар бригадири.

Сазанц Валерий Данилович — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Белеников Виктор Алексеевич — Тошкентдаги махсус мебеллар заводининг бош инженери.

Эрматова Назира — Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси.

Каримов Мурод Каримович — Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлиги ремонт қурилиш бошқармасининг сувоқчиси.

Корнев Владимир Николаевич — «Узглавстройдревпром» дурадгорлик буюмлари заводининг станокчилари бригадири.

Куховаренко Наталья Александровна — Тошкентдаги мебель ойналари фабрикасининг оператори.

Маслов Евгений Иванович — «Союзоргстехмонтаж» бутуниттифоқ бирлашмаси Тошкент монтаж-созлаш бошқармасининг мастери.

Назарова Минаввар — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг силлиқловчиси.

Фаёзов Миразиз Мирбаҳромович — «Узглавстройдревпром» «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори.

Содиқхўжаев Рашид Абдулҳайевич, — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгори.

Солопов Анатолий Иванович — «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгори.

Танкилевич Товас Яковлевич Ўзбекистон ССР, ўрмон, қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати ишчилари касаба союзлари Марказий Комитетининг меҳнат бўйича бош техник инспектори.

Шаврина Валентина Яковлевна — «Ўзбекпроектмебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лойиҳа-конструкторлик бюросининг бўлим мудири.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 19 март.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КЎП НУСХАДА

ПАРИЖ. Париждаги «Пергамон пресс франс» нашриёти француз тилида кўп нусхада чиқарган китоб «СССРнинг бугуни ва эртанги куни. КПСС XXVI съездининг ҳужжатлари» деб аталади. Бу китобга КПСС Марказий комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан КПСС XXVI съездига қилган ҳисобот доклади, СССР Министрлар Совети раиси Н. А. Тихоновнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги доклади, КПСС XXVI съездининг бошқа ҳужжатлари, шунингдек СССР Конституциясининг тўла тексти кирган. «Пергамон пресс франс» нашриётининг бош директори Б. Жансон ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: биз «СССРнинг бугуни ва эртанги куни» китобини совет коммунистларининг анжуманидан бутун дунёда зўр қизиқиш туғдираётганлиги муносабати билан чоп этдик. Бу анжуман совет ички ва ташқи сиёсатининг келгуси даврдаги асосий йўналишларини белгилаб берди. Биз китобхонларимизга ғоят муҳим сиёсий ва илмий аҳамиятга молик бўлган асосий ҳужжатларни тавсия этмоқдамиз. Бу ҳужжатлар билан танишиш Совет Иттифоқидек буюк давлатнинг ривожланишини англаб олиш учун зарурдир.

Бу китобни нашр этиш билан, деди Б. Жансон, «Пергамон пресс франс» нашриёти «марксизм-ленинизм» рубрикаси остида китоблар туркумини нашр эта бошлайди. Бу рубрика остида КПСС ва совет давлати раҳбарларининг босма асарлари ва нутқлари чоп этилади.

КОНЧИЛАР РЕКОРДИ

СОФИЯ. Перник округидаги Ф. И. Толбухин номли шахта кончилари миллий рекорд ўрнатдилар. Улар бир суткада планда белгиланган 923 тонна ўрнига 3.317 тонна кўмир қазиб чикардилар.

Биз, деди шахта партия ташкилотининг секретари, участка бошлиғи Тодор Попов, совет ҳамкасбларимиздан қолишмасликка ҳаракат қиламиз. Бу ишда бизга серунум совет техникаси «2 ОКП— 70» кўмир қазиб чиқарадиган механизациялашган комплекс ёрдам бермоқда. Кончиларимиз саккизинчи беш йилликда кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш юзасидан партия олдимизга қўйган вазифаларни шараф билан бажармоқдалар.

Шахта коллективи беш ойлик планни муддатидан илгари бажарганлиги ана шу сўзларнинг исботидир. Шахтерлар май ойининг охиригача ватанга қўшимча равишда 15 минг тонна кўмир берадилар.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасида мамлакатнинг муттасил ривожланишига халақит бераётган ўтмишнинг оғир сарқити —саводсизликни тугатиш учун актив кураш давом этмоқда. Афғонистон шимолидаги Зузжон вилоятининг саноат корхоналарида саводсизликни тугатиш бўйича социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалаган 1000 ўқувчи ва ҳизматчилар ўқиш ва ёзишни ўрганмоқдалар. Хиротда Афғонистон демократ хотин-қизлари ташкилотининг ташаббуси билан саводсизликни тугатиш курслари очилди.

Ҳозир мамлакатда ишлаб турган 23 мингдан кўпроқ мана шундай курсларда 520 мингдан ортиқ киши таълим олмоқда.

***

ИСЛОМОБОД. «Муслим» газетасининг далолат беришича, кейинги вақтларда Покистоннинг турли шаҳарларидаги уйларнинг деворларида демократия таъминланишини, сайлов ўтказилишини, гражданлик ҳуқуқларига кафолот берилишини талаб қилувчи шиорлар, ёзувлар жуда кўпайиб кетди. Маъмурлар бу ёзувларни ўчириб ташлашга улгуришмаяпти. Исломободнинг ҳарбий режими шиорлар ёзиш пайтида қўлга тушган кишиларни қаттиқ жазолаш тўғрисида махсус карор қабул қилди, деб ёзади газета.

***

АНҚАРА. 1980 йилда Туркия аҳолиси 44 миллион 737 минг кишига етди. Ўтган йил октябрида ўтказилган умумий аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, кейинги беш йил ичида аҳолининг ўсиш суръати 2,5 процентдан 2,06 процентга тушиб қолган. Ҳозир Туркияда 1 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган 7 та шаҳар бор. Истамбул, Анқара, Измир, Кония, Адана, Бурса, Самсун шаҳарлари шу жумлага киради. 4 миллион 742 минг киши истиқомат қилаётган Истамбул шаҳри ҳамон уларнинг орасида энг каттаси ҳисобланади. Аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, бултур Анқарада 2 миллион 835 минг киши истиқомат қилар эди.

***

ҚУВАЙТ. Шанба куни Қувайт пойтахти устида кучли қум бўрон бўлди. Баъзан тезлиги соатига 80 километрга етган Арабистон ярим оролининг иссиқ шамоли шаҳар устида майда кум ва қайноқ чангдан иборат булут ҳосил қилди. Ал-Қувайтнинг кўпчилик районларида кўриш ёмонлашганлиги сабабли транспортнинг ҳаракати қийинлашди, кўпгина автомобиль фалокатлари содир бўлди. Халқаро аэропорт бир неча соат давомида ишлай олмади.

Арабистон чўлининг иссиқ нафаси ҳаво ҳароратини 40— 42 градусгача кўтарди.

Синоптикларнинг маълумотига кўра, 20 йилдан бери Қувайтда табиатнинг бундай ҳолати содир бўлмаган эди.

***

ҚОҲИРА. Ажнабий компанияларнинг Мисрдаги фаолияти уларнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилмоқда ва мамлакатнинг миллий экономикасига катта зиён етказмоқда. Исмоилиядаги электр лампа заводи ишчиларининг аҳволи тўғрисида «Ал-Маса» газетаси эълон қилган маълумотнома шуни яна бир карра тасдиқлаб турибди. Ўтган йили бу корхона 930 минг миср фунти миқдорида зарар кўрган эди.

СЕЛЕКЦИЯЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

БУДАПЕШТ. Венгрия фанлар академиясининг Мартонвашар илмий тадқиқот институтини илмий-ишлаб чиқариш комплекси деб аташади. Институт мутахассислари сўнгги ўн йил мобайнидагина маккажўхорининг 20 дан кўпрок дурагайини яратдилар. Бу дурагайлар мамлакат далаларида кенг экила бошлади. Институт коллективи катта тадқиқот ва селекция ишларини олиб бориш билан бир қаторда ўз тажриба участкаларида ҳар йили 20 минг тоннадан кўпрок сара дон етиштириб, давлат хўжаликларига ва қишлоқ хўжалик кооперативларига жўнатмоқда.

Республикада илмий тадқиқот институтлари билан қишлоқ хўжалик комбинатлари ва давлат хўжаликлари ўртасидаги қалин ҳамкорлик кенг ривож топди. Ҳар йили мамлакат далаларига кузги буғдойнинг 19 нави экилмоқда. Бу буғдойнинг 8 навини венгер селекциячилари яратган.



Тошкент трактор заводининг такомиллаштирилган МТЗ—80М тракторини кўплаб социалистик мамлакатлар сотиб олмоқда.
СУРАТДА: МТЗ—80М тракторлари юклаш майдончасида.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• ФАН — БЕШ ЙИЛЛИККА

СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Каунасдаги «Дробе» жун мато тўқиш бирлашмаси коллективи ғалати газламалар тўқишни ўзлаштирди.

Литва тўқимачилик саноати илмий-тадқиқот институтига борган ТАСС мухбири маълум фурсат синовчига айланди. Маҳсулот шу институтда маъқулланган эди. Мухбир янги материалдан тикилган костюмни кийиб махсус кабинага кирди. Кабина эшиги ёпилиши билан ёмғир шарроси қуя бошлади. Лекин орадан бир неча минут ўтди ҳамки кийилган костюм ҳамон қуруқлигича тураверарди.

Газламага махсус химиявий моддалар билан ишлов берилгандан сўнг у сув ўтказмайдиган бўлиб қолди. Шу билан бирга у ҳавони бемалол ўтказади.

Бошқа бир лабораторияда оппоқ дастурхонга сиёҳ, чигит ёғи, қоп-қора тушь тўкиб юборилди. Шундан сўнг ўша дастурхон бир силкитиб юборилган эди, унда биронта ҳам доғ қолмади: дастурхон газламасига ҳам полимер моддалар билан ишлов берилганди.

Сўнгги эксперимент ўт ўчирувчилар иштирокида ўтказилди. Дераза пардасига ёниб турган спирт лампаси тегизилди. Шунда парда ҳатто қорайгани ҳам йўқ.

Бу ишлар Каунасдаги «Октябрь 50 йиллиги» сунъий тола заводи ишчилари билан ижодий ҳамкорликда олиб борилмоқда.

(ТАСС).

ИЛМ МАСКАНЛАРИДА

ЁШЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Ҳаёт доим қизғин давом этади. Мактаб партасида таълим-тарбия олаётган болалар эрта-индин катта ҳаёт йўлига чиқадилар. Мурғак гўдакнинг биринчи синф партасига келиб ўтириб то етуклик аттестатини олгунча ота-оналар, мураббийлар, ўқитувчилар катта меҳнат қиладилар, улар учун кўз нурини, қалб меҳрини берадилар. Ҳар йили мактабларимизда минглаб ёшлар билим ва тарбия олиб, камол топадилар.

Бу ўқув йили ҳам муваффақиятли якунланиш арафасида турибди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, ўқув йилимизни КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездлари ўтган йилда шу съездларнинг ёшлар тарбияси ҳақидаги қарорлари асосида якунлаяпмиз. Мактабимиз ўқитувчилари партиямиз съезди қарорларини пухта ўрганиб, уни ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Бу борада мактабимизда бир неча илмий-назарий конференциялар ўтказилди, суҳбат-лекциялар уюштирилди. Айниқса, съезд материаллари юзасидан ўтказилган намунали дарслар ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди, улар рефератлар, альбомлар тайёрлашди.

Ёшларни меҳнатсевар, касб-ҳунар эгаси бўлиб етишишлари учун ҳамма тадбирларни кўраяпмиз. Меҳнат илғорлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказяпмиз. Яқинда КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев билан ўтказилган учрашув ёшларда яхши таассурот қолдирди.

Педагогик коллективимиз имтиҳонларга қизғин тараддуд кўрди. Фан кабинетлари, синф хоналари, лабораториялар яхши жиҳозланди, деворий газеталар, варақалар чиқарилди. «Билимлар синовига пухта тайёрланинг», «Рус тили — дўст тили, уни аъло баҳога ўқинг», «Имтиҳонга саноқли кунлар қолди» каби стенд ва эълонлар чиқарилди.

Мактабимизда бу йил 1026 ўқувчи таълим олаяпти, 500 ўқувчимиз нуқул «4» ва «5» баҳога ўқишмоқда. Яна бир кувончли ери шуки, бу йил 8-синфларни 100 дан ортиқ ўқувчи, 10-синфларни 96 ўқувчи битказади. 84 ўқувчи-ёшлар ишчи касбини эгаллашга аҳд қилишди. Бу эса аҳил педагогик коллективимизнинг ёшларни коммунистик руҳда, чинакам меҳнатсевар қилиб тарбиялаганликларининг самарасидир.

Маълумки, замин яхши бўлса, самара ҳам унумли ва сифатли бўлади. Коллективимизда билими ўткир, педагогик маҳорати зўр ўқитувчилар ёшларга илм-фан асосларини чуқур ўргатиб келишмоқда. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Тошпўлат Усмонов, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочилари М. Гусарова, С. Султонов, М. Хўжаева, Н. Сизова, Н. Багирова, А. Червова ва бошқа фидокор ўқитувчилар ёшларга ҳар томонлама чуқур билим беришда ҳамма имкониятлардан фойдаланишаяпти. Улар қар бир ўқувчини ўз фарзандларидек севиб, ардоқлаб тарбия беришмоқда.

Ёшлар бизнинг кедажагимиз. Уларнинг умидли, баркамол, онаватан ва партиямга эътиқодли, чин инсон бўлиб етишишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё. Бахтли замонда бахтли ёшларимиз ҳар томонлама камол топаверади.

Ш. РАСУЛЕВА,
Киров районидаги 70-мактабнинг илмий бўлими мудири, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ОИЛА даврасида суҳбатлар

• *Яхши тарбиянинг меваси ширин*

БОЛА БОШИДАН...

Оилада фарзанд ўсяпти. У келажак кишиси, унда яхши хислатларни тарбиялаш лозим. Бола ҳеч қачон тайёр тушунча, одоб, яхши хислатларга эга бўлиб туғилмайди. Буларнинг ҳаммаси аввало оилада, ота-она, опа-ука, қўни-қўшни таъсирида пайдо бўла боради. Болани тўғри тушуниш, унинг хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолаш, бола психикасига тўғри таъсир қилиш анча қийин, мураккаб ишдир.

Тарбиячи бўлиш осон иш эмас. Тарбиячи аввало ўзи тарбияланган бўлиши керак. Чунки болаларда тақлидчанлик хусусияти кучли бўлади. Бола яхши нарсага ҳам, ёмон нарсага ҳам тақлид қилаверади. Болалар, айниқса ўзларидан катта одамларга кўп тақлид қилишади: юриш-туришда ҳам, гап-сўзда ҳам, ҳатто кийинишда ҳам улар катталарга ўхшашга ҳаракат қилишади.

Бола тўрт-беш ёшдаёқ кийинишдаги гўзалликка, ихчамликка, нафисликка эътибор берадиган бўлади. Ҳозир баъзан икки-уч ёшдаги болада ҳам бунга интилиш сезилади. Болаларда гўзаллик туйғусининг шаклланиши, албатта, болалар боғчасида, мактабда, кейинчалик эса ишлаб чиқаришда, жамоат ичида тарбияланади. Лекин биринчи навбатда оила, ота-она, яқинлар, қариндошлар, қўни-қўшни, ўртоқлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, ёрдам, меҳр-оқибат, ҳалоллик, ростгўйлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик, ўз ишига ижодий ёндашиш, ҳаётга, меҳнатга, табиатга, ҳайвонларга, ўсимликларга, умуман, атрофдаги ҳамма нарсага муносабат ана шу оилада бунчалик эрта уйғонишига сабаб шундаки, кейинги пайтларда биз, яъни катталар уларнинг кийинишига, юриш-туришига катта эътибор билан қараяпмиз.

Улуғ рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов одамда ҳамма нарса, шу жумладан, кийими ҳам гўзал бўлиши ҳақида яхши сўз айтган. Ташқи томондаги кўзга ташланиб турадиган кийиниш, болаларни содда, қулай, чиройли кийинтириш масаласи муҳимдир. Баъзи ота-оналар ўз фарзандларини чунонам кийинтиришадики, гўё уларнинг ҳаётдан асл мақсадлари шу, деб ўйлаш мумкин. Бу ҳол кўпроқ ёш оилаларда, аксарият олий маълумотли, зиёли оилаларда учрамоқда. Ахир боланинг истаган нарсасини шу заҳоти муҳайё қилувчи ота-оналар болаларида эгоистик, манманлик, ўжарлик, ўзини бошқа ўз тенгларидан, баъзан ҳатто тарбиячи ва ўқитувчиларидан ҳам юқори қўйиш каби салбий хусусиятлар ҳам уйғотиши мумкинлигини билишармикан?! Бундай болалар катта бўлишгач, бировнинг кўмагисиз мустақил яшай олмайдилар, баъзи қийинчиликлар олдида довдираб қоладилар, бировдан ёрдам сўрашга эса ор қиладилар.

Хўш, бундай кўнгилсиз ҳол юз бермаслиги учун нима қилиш керак? Бунинг учун биринчи навбатда болаларни кичиклигидан мустақилликка ўргатиб бориш лозим. Маълумки, меъёр — норма ҳамма нарсанинг зарур шартидир. Ҳозир айтиб ўтганимиз— меъёридан ортиқ кийинтириш, «топганим шуники» деб болани ҳадеб ясантираверии, безатаверии ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Бунинг ўрнига болаларни ўзларининг кийимларини авайлаб асрашга ўргатиш керак. Ота-она бола эгнидаги қўйлак ёки костюм қандай қийинчилик билан юзага келиши, кир бўлгач уни ювиш, дазмоллаш жараёнларини боланинг ёшига мос равишда тушунтириб бериши ҳам мумкин. Бу эса болаларни ўзгаларнинг меҳнатини қадрлашга, ўзининг кийимларини асрашга ўргатади. Болаларни икки ярим-уч ёшидан ўзининг кийимларини тахлашга, сочиқни илиб қўйишга, боғчадан келган кийимларини дарров алмаштиришга ўргатиш керак. Лекин ота-она буни болаларга ортиқча тушунтирсалар-ку, ўзлари пала-партиш кийинсалар, кийимларини озода, саранжом тутмасалар болаларга бу гаплар таъсир қилмайди. Баъзилар ишдан ёки меҳмондан келгач, кўчалик кийимларини алмаштирмай, уй ишларига киришиб кетаверадилар. Бундай ҳолни кўрган болалар ҳам шунга одатланадилар.

Болаларга жуда ёшликдан сингдирилган одатлар уларда борган сари такомиллашиб бораверади. Масалан, кичиклигида ўз ўйинчоқларини ўйнаб бўлгач, жой-жойига йиғиштириб қўйишга одатланган бола мактаб ёшига етгач ўз ўқув қуролларига ҳам шундай муносабатда бўлади.

Болаларни мустақилликка ўргатиш, уй ишларининг баъзиларини ишониб топшириш ҳам уларга жуда катта қувонч бахш этади, ота-оналарга ҳам енгиллик туғилади. Лекин буни тўғридан тўғри буюрмай, аста-секин ўргатиб бориш керак. Баъзи ота-оналар: «Бу ҳали ёш бола, нима ишни ҳам қила оларди», деб фарзандларига иш ўргатмайдилар, баъзилари эса уларни аямайдилар. Бу — менимча нотўғри. Қўлидан келмаган ҳунари йўқ, чаққон, лобар қизлар, пишиқ, пухта йигитлар меҳнатга, тартибли, режали бўлишга жуда ёшликдан ўрганганлар.

Баъзан шундай ҳам бўлади. Биз маълум ишни ўргатишда болалардан вақтимизни аямаймиз. Бола имиллаб бажаргунча ўзимиз тезроқ қилишимизга ишонамиз. Лекин ҳар куни шунга кетган вақтимизни қўшса бундан кўп чиқади-ку?! Бунинг ўрнига бир-икки кун бир оз вақтни сарфлаб, болани шу ишни бажаришга ўргатсак, ўзимизга анча енгиллик туғилиши мумкин экан.

Менинг икки фарзандим бор. Каттаси олти ёш, кичиги уч ёш. Каттаси ўзини эпласа ҳам, кичигини ҳар доим ўзим кийинтирардим. Уйимиз ишхонадан анча олис, шунинг учун мен то уларни кийинтириб, богча-яслига қўйиб келгунимча ишга кечикиб қолардим. Охири бўш вақтларда шунга алоҳида вақт ажратиб, ўзини кийинишга ўргатдим. Натижада ўзи бемалол кийинадиган, ҳатто ботинкасининг ипини ҳам бойлаб, еча оладиган бўлди. Қийналиб қолса, опаси ёрдамлашади. Бу менга анча енгиллик туғдирди. Демак, болага ўргатсангиз ўзи бажара олар экан.


Хуллас, бола тарбиясида биз ёш оналар билмайдиган, қийналадиган ўринлар анчагина. Қайси ишни, одатни қайси ёшдан, қай тарзда болаларга ўргатиб бориш керак?

Баъзи кўп болали оналар бор. Оила катта, лекин ҳамма нарса ўз ўрнида, болалар ўзлари билиб-билиб ишларини қилишади, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Баъзан эса аксинча, бир ёки икки болали ёш она болаларидан ортиб уй ишларига қарай олмайди. Ҳозир ўзлари кўп болали бўлгани ҳолда иш жойида ҳам илғор, олий маълумотли, ҳатто олима аёллар бор. Шундай аёлларнинг фарзандлари ҳам ақлли, ҳам одобли, ҳам меҳнатсеварлиги билан барчага манзур. Ана шундай тажрибали онахонларимизни и н г болани тарбиялаш методларини ўрганиб бориш бизни қийнаётган муаммоларни ечишга, болада маданий муомала, меҳнатсеварлик ва меҳнатни қадрлаш, мустақиллик хислатларини тарбиялашга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Х. МУҲИДДИНОВА,
Қорн-Ниёзий номли педагогика фанлари нлмнй-текшириш институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.



Бугун—Чегарачилар куни



СССРнинг Ғарбий чегараси, Қизил Байроқли Ғарбий чегара округининг Н. заставаси шахсий состави жанговар анъаналарни давом эттира бориб, сиёсий ва жанговар маҳоратини тобора оширмоқда.

СУРАТЛАРДА: сиёсий ишлар бўйича командир ўринбосари Анатолий Васильевич Федоренко (чапдан иккинчи) хизмат қилаётган застава қаторасига бир неча йилдан бери «аълочи застава» номини оқлаб келмоқда; тўсиқларни енгиб ўтиш бўйича машғулот пайтида.

И. Свериди фотолари, ТАСС фотохроникаси.



«САЙРГА». М. Нуриддинов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ГАЗЕТА ТАРИХИ

Россияда энг биринчи ёзма газета 1600 йилда «Хабарловчи хатлар» номида чиқариб турилган эди.

Почта станциялари пайдо бўлгач, почтмейстер-почта ишлари ходими, почтальонлик лавозимлари ташкил этилганди. Ана шунақа почта станцияси ходимлари «Хабарловчи хатлар» газетасини чиқариб туришган. Бунда улар почтага келган бировлар хатини очиб, ундаги гапларни газетага ёзишган эди. Натижада у кўп жанжал чиқишига сабабчи бўлган. Шахсий хатлари кўпчиликка маълум бўлган одамлар газета чиқарганларни дўппослаган ва ҳатто дуэлларга чақирган эди.

Биринчи босма газета Пётр 1 фармонига мувофиқ 1702 йил 16 декабрдан чиқа бошлаган. Аввал «Москва ведмостлари» номида, кейинчалик «Россия ведмостлари» ва бошқа номларда чиқарилиб турилган.

XVI асрда Венецияда чиқарилган энг майда чақа пул — «газетта» деб аталган эди ва унга ўша пайтда чиқарилган газетани сотиб олиш мумкин бўлган. Итальянча «газетт» сўзи оммалашиб, энди у чақа пул номини эмас, газета номини билдирадиган бўлиб кетган.

ЯНГИ ҚЎЛ СОАТИНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Электрон-механика қўл соатларини ҳар куни бураб туриш шарт эмас. Жажжи тугмачадай батарейкаси уни бир йил тўхтатмай, вақтни аниқ кўрсатиб туришини таъминлайди.

Шу йилдан бошлаб Москвадаги иккинчи соат заводида ишлаб чиқарилаётган янги электрон қўл соатлари учун ўша батарейкалар роса 2 йилга етади.

БАЛИҚЧИНИНГ ОМАДИ

Литвалик ўқитувчи Альгимантас Гребликас дам олиш куни Каунас сув омборига балиқ тутгани борган эди. Аввалига унинг қармоғига бир неча майда окунь балиғи илинди.

Ҳаваскор балиқчи сувга яна қармоқ ташлаган эди, худди ходага илингандай бўлди. Қармоқни бир ўзи тортиб чиқаришга кучи етмади. Ўртоқлари ёрдамида қармоқ ипи тортилди. Кўрсаки, унга катта сом балиғи илинибди. Сомнинг бўйи 183 сантиметр, оғирлиги 42 килограмм чиқди.

ОСИЕДАГИ ЭНГ КЕКСА ОДАМ

Индонезиянинг Джокьякарта шаҳрида яшовчи Суджемино исмли аёл бу йилги наврўз байрами арафасида роппа-роса 150 ёшга тўлди. Ҳозир у бардам ҳаёт кечирмоқда.

ТОЛМАС ЕРДАМЧИ

Қоронғи тушиши билан инидан учиб чиқадиган кўршапалак бир соатда тахминан 700 та, бир ёз мавсумида 60 мингтадан ортиқ чивин, пашша ва майда учиб юрадиган ҳашаротларни тутиб ейди.

Кўршапалак одамларнинг толмас ёрдамчиси ҳисобланади.

БИР ОЕҚДА ТУРИШ САБАБИ

Лайлак қўпинча бир оёқда турса ҳам сира толиқмайди? Мутахассисларнинг аниқлашларича, лайлак тиззаси бўғинларини маълум ҳолатда бириктириб турадиган махсус клапан борлиги учун улар бир оёқда узоқ вақт тура олишар экан.

С. ҒАФУРОВ тўплаган.

КЕЛИНГ, БИР ТАШВИШЛАНАМАН

Автобусда одам кўп. Бир ёш йигит юзини сал буриб, кўзларини кўллари билан яшириб ўтирарди.

— Ҳа, сизга нима бўлди, йигитча касалмисиз? — сўради ёнида турган аёл.

— Йўқ, бутунлай соғман, бироқ автобусга чиқиб ўтирганимда, ёнимда аёл кишининг оёқда турганини кўрсам, ташвишга тушаман.

КУЛИШАЙЛИК

ЖАНЖАЛ ОҚИБАТИ

Поезд навбатдаги станцияда тўхтамасдан елдек учиб борарди. Ҳар гал шу станцияда тушадиган йўловчи вагон хизматчисига деди:

— Айтингчи, нега поезд станцияда тўхтамасдан кетаяпти, мен тушмоқчи эдим.

— Поезд тўхтамайди, станция бошлиғи билан поезд механиги жанжаллашган.

Н. ХУДОЙҚУЛОВ
таржимаси.

Яхши фазилатли кишилар

АРДОҚЛИ ОТАХОН

Бу СУРАТ бундан бир неча йилча аввал ёз пайтида олинганди. Унда ўрта ёшлардаги бир киши нуроний қарияга тўн кийгизаётган пайт тасвирланган. Ҳовлидаги узун-узун столларга дастурхонлар ёзилиб, турли ноз-неъматлар, гуллар қўйилган. Оқсоқолни олқишлаб, қарсак чалаётган одамларнинг кўзларида қувонч, чеҳраларида табассум.

Отахонни ҳамма яхши биларди. Энди унинг соч-соқоли тағин ҳам оқарган, пешонасидаги ажинлар қуюқлашиб қолган бўлса ҳам, юз-кўзидан нур ёғилиб туриши ҳамон ўшандай. Ёши ҳам кичик эмас, саксонни қоралаб қолган. Ўғил-қизларидан тинчиб, набиралари қуршовидаги бу мўътабар киши энди маҳалла аҳлининг ҳам ҳурматли отахонидир. Тошкентнинг Кўкча даҳасида истиқомат қилувчи ана шу отахонни — Абдувоҳид отани танимайдиган киши йўқ.

— Бувам ишга кетганлар, — дейишади уйга келган меҳмонларни қарши олгани чиққан неваралар. Баъзи меҳмонлар бўлса «Кекса одам ишда нима қиладн» деб уни кўпинча қариялар чойхонасидан излашади. Кошки, Абдувоҳид ота қариликни бўйнига олиб, бошқа кексалар сингари кунини чойхоналардаги қизиқ-қизиқ гурунгларда ўтказса. Уни на гузарда, на биронта ошна-оғайнисиникида учратасиз. Отахон ҳали ҳам 12-шаҳар дорихонасига қарашли филиал. Собир Раҳимов номли кинотеатр қаршисидаги поликлиника биносига жойлашган дорихона бўлимида беморларга хизмат қилмоқда. Унинг бу соҳада ишлаётганига мана эллик йилдан ошди. Пенсияга чиққанига олти йил бўлибди-ю, шунча ишлаганим етар, болаларимнинг топганига қаноат қилиб, оёқ-қўлимни узатиб уйда ўтирай, демаганига маҳалладагилар ҳайрон қолишади. Бу ҳақда бирон тўй-ҳашамларда сўз очиб қолишса, у мийиғида кулиб қўяди-да, кейин «Гап пулдами, йўқ, уйда қолсам ўзимни қафасга тушган қушдай ҳис қилганимдан ишлайман, одам ишсиз қолса касал бўлади», дейди. Отахон бу гапларни бежиз айтмайди. Инсоннинг иш билан тириклигини, ҳаёти, турмуши гўзал ва чароғонлигини у яхши билади. Бу ҳақда ёшлар билан бажонидил суҳбат қуради, уларга фойдали маслаҳатлар беради. Ўз ҳаётий тажрибалари, билимларини ўртоқлашади.

Каримовлар хонадонига кирсангиз уй токчалари, жавонларда неча ўн йиллардан бери кўз қорачиғидек сақланиб, авайлаб келинаётган нодир китоблар, расмлар, инкилобдан кейинги йиллар воқеаларини эслатувчи ёзувлар бор. Ёзув столида ҳам ичига узоқ тарихни эслатувчи. бир умрлик воқеаларни ёлга солувчи, кишини тўлқинлантирувчи суратлар солинган папкалар тахлаб қўйилган. Вақт ўтиши билан бетлари титилиб, саргайган бу суратлар Абдувоҳид Каримовнинг ўтмишдаким бўлганлигидан далолат беради.

— Ўттизинчи йилларда олинган суратлар,—деди ота чуқур ўйчанлик билан. Ўша йиллар воқеалари кўз олдига келди, шекилли, ўнг кафтини пешонасига қўйганча тирсагига таяниб, суратлардан бирига кўз қадаб қолди. Унда эллик-олтмиш чоғли ярим ҳарбий, ярим гражданча кийинган, кўплар эса эгнига эски чопон, оёғига махси-кавуш, этик кийиб тушган ёш йигитлар эди.

— Улар Эски шаҳар комсомол конференцияси қатнашчиларн эди.— Абдувоҳид отанинг хаёли қочди, кўзларида ўша шиддатли дамлар қаҳрамонларига нисбатан ҳурмат ҳисси сезилди.

— Конференция Кўкалдош мадрасаси орқасидаги Масжиди Жомеда ўтказилган, эсдалик учун ҳовлида суратга тушгандик. Билсангиз, отам Каримхожи Қўчқоров бобом ўтган. У ўз болаларининг келажакда бахтли-тахтли бўлиб кетишини тасаввур қилолмаган бўлса керак. Аслингиз қаерлик десангиз, ҳозирги Хадра майдони орқасидаги собиқ Дегрез маҳалласиданмиз. Биз оилада саккиз ўғил-қиз эдик. Ўша йилларни, инқилобдан аввалги ўтган кунларимни, қорним нонга тўймасдан кечирган уйқусиз тунларимни эсласам оёқ-қўлим музлаб кетади. Отам биз болаларни боқиш, кийинтириш учун эрта азондан қаро кечгача ишларди. Бахтимизга инқилоб бўлди-ю, турмушимиз ўзгарди-кетди. Янги мактабда ўқиб таълим олдим. Кейин ўзим ҳам болаларни янгича усулда ўқита бошладим. Тошкентдаги Клара Цеткин номли кечки ишчи-ёшлар мактабида дарс бериш билан бирга Йўлдош Охунбобоев номидаги медицина техникумида ўқиб, доришунослиқдан сабоқ ола бошладим. Кейин М. Покровский номли техникумда ҳам таҳсил кўрдим.

У ўтмиш ҳаёти ҳақида ҳикоя қиларкан, яна бир суратни кўлига олди-да, ўйчан тикилиб туриб деди:

— Мен бу суратдаги йигит-қизлар билан техникумда бирга ўқигандим. Уларнинг кўпчилиги ҳозир йўқ. Урушда ҳалок бўлишган. Мени бўлса ўша йиллари дорихоналар очиш учун ишга юборишганди. Ўзингизга маълум, уруш йилларн медицина ходимлари, доришунослар етишмасди. Шунинг учун ҳам Самарқандда, Қашқадарёда, Бухорода дорихоналар очиб, кўп вақт ишлаб қолишимга тўғри келган.

Халқимизга қилган хизматлари учун бир неча бор фахрли мукофотлар олган, ўтган беш йиллик соцналистик мусобақаси ғолиби медаллари билан тақдирланган, республикада дорихоналар ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган меҳнат ветерани А. Каримовни «Запорожец» енгил автомашинаси билан мукофотлашган.

Ардоқли отахонинг қўлида бир вақтлар ўқиб таълим олган кишилар ҳозирги кунда фанимиз чўққиларини эгаллаган, халқ хўжалигининг турли тармоқларида толмай меҳнат қилаётган қаҳрамонлар, олиму-фозил кишилар бўлиб вояга етишган. Қўлимиздаги юбилей тўйида олинган ана шу суратдан шогирдларнинг устоз Абдувоҳид ота Каримовга бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромини англаб олиш қийин эмасди. Дегрез маҳаллалик доришунос муаллимнинг умр дафтарида ана шундай ширин хотиралар, тарихий воқеалар жуда кўп. У беморларнинг дардига шифо бериш билан бирга, ёшларга ҳам таълим-тарбия бериб уларга ҳаёт йўлини кўрсатган, илмлардан сабоқ берган.

Фарзандлари ҳам ўзидек оддий, камтарин ва меҳнатсевар кишилар бўлиб вояга етишган. А. Каримовнинг етти ўғил-қизи бор. Эндиликда уларнинг ҳар бири ҳам мустақил оила бошлиқларидир.

Бутун умри халққа ҳалол хизмат қилиш билан ўтган, ардоқли пенсионер отахон — дегреалик муаллим, доришунос Абдувоҳид ота Каримовнинг ҳаёт йўли чиндан ҳам кўпчиликка ўрнак бўла олади.

Н. АЛИМОВ.

МОЛИБДЕН— ВИЛТНИНГ КУШАНДАСИ

Сералаш фабрикаларининг чиқити — молибден кукунидан ғўзанинг вилт касаллигига қарши восита сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг олимлари ўз тадқиқотларидан шундай хулосага келдилар ва бу хулосани ишлаб чиқаришдаги экспериментлар билан тасдиқладилар.

Уларнинг тавсияларига кўра, молибден саноатининг хаёли қочди, кўзларида ўша шиддатли дамлар қаҳрамонларига нисбатан ҳурмат ҳисси сезилди. — Конференция Кўкалдош мадрасаси орқасидаги Масжиди Жомеда ўтказилган, эсдалик учун ҳовлида суратга тушгандик. Билсангиз, отам Каримхожи Қўчқоров бобом ўтган. У ўз болаларининг келажакда бахтли-тахтли бўлиб кетишини тасаввур қилолмаган бўлса керак. Аслингиз қаерлик десангиз, ҳозирги Хадра майдони орқасидаги собиқ Дегрез маҳалласиданмиз. Биз оилада саккиз ўғил-қиз эдик. Ўша йилларни, инқилобдан аввалги ўтган кунларимни, қорним нонга тўймасдан кечирган уйқусиз тунларимни эсласам оёқ-қўлим музлаб кетади. Отам биз болаларни боқиш, кийинтириш учун эрта азондан қаро кечгача ишларди. Бахтимизга инқилоб бўлди-ю, турмушимиз ўзгарди-кетди. Янги мактабда ўқиб таълим олдим. Кейин ўзим ҳам болаларни янгича усулда ўқита бошладим. Тошкентдаги Клара Цеткин номли кечки ишчи-ёшлар мактабида дарс бериш билан бирга Йўлдош Охунбобоев номидаги медицина техникумида ўқиб, доришуносликдан сабоқ ола бошладим. Кейин М. Покровский номли техникумда ҳам таҳсил кўрдим.

У ўтмиш ҳаёти ҳақида ҳикоя қиларкан, яна бир суратни кўлига олди-да, ўйчан тикилиб туриб деди:

— Мен бу суратдаги йигит-қизлар билан техникумда бирга ўқигандим. Уларнинг кўпчилиги ҳозир йўқ. Урушда ҳалок бўлишган. Мени бўлса ўша йиллари дорихоналар очиш учун ишга юборишганди. Ўзингизга маълум, уруш йилларн медицина ходимлари, доришунослар етишмасди. Шунинг учун ҳам Самарқандда, Қашқадарёда, Бухорода дорихоналар очиб, кўп вақт ишлаб қолишимга тўғри келган.

Халқимизга қилган хизматлари учун бир неча бор фахрли мукофотлар олган, ўтган беш йиллик соцналистик мусобақаси ғолиби медаллари билан тақдирланган, республикада дорихоналар ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган меҳнат ветерани А. Каримовни «Запорожец» енгил автомашинаси билан мукофотлашган.

Ардоқли отахонинг қўлида бир вақтлар ўқиб таълим олган кишилар ҳозирги кунда фанимиз чўққиларини эгаллаган, халқ хўжалигининг турли тармоқларида толмай меҳнат қилаётган қаҳрамонлар, олиму-фозил кишилар бўлиб вояга етишган. Қўлимиздаги юбилей тўйида олинган ана шу суратдан шогирдларнинг устоз Абдувоҳид ота Каримовга бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромини англаб олиш қийин эмасди. Дегрез маҳаллалик доришунос муаллимнинг умр дафтарида ана шундай ширин хотиралар, тарихий воқеалар жуда кўп. У беморларнинг дардига шифо бериш билан бирга, ёшларга ҳам таълим-тарбия бериб уларга ҳаёт йўлини кўрсатган, илмлардан сабоқ берган.

Фарзандлари ҳам ўзидек оддий, камтарин ва меҳнатсевар кишилар бўлиб вояга етишган. А. Каримовнинг етти ўғил-қизи бор. Эндиликда уларнинг ҳар бири ҳам мустақил оила бошлиқларидир.

Бутун умри халққа ҳалол хизмат қилиш билан ўтган, ардоқли пенсионер отахон — дегреалик муаллим, доришунос Абдувоҳид ота Каримовнинг ҳаёт йўли чиндан ҳам кўпчиликка ўрнак бўла олади.

Н. АЛИМОВ.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

КОСМОНАВТИКАНИНГ ЕРДАГИ ОРБИТАЛАРИ

«... Фан-техника ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари йўлида космик фазони бундан буён ҳам ўрганиш ва ўзлаштириш каби жуда муҳим проблемаларни ҳал этишга куч-қувватлар тўплансин...»

Космик аппаратлар озарбайжонлик пахтакорларга ҳайдаш учун яроқли катта ер массивларини топширишга ёрдам берди. Орбитадан олинган ва ердаги тадқиқот маълумотлари билан қиёсланган информация, жумладан, Ажиноур кўлининг эски чегараларини, унинг кўлини территориялар тупроғи шўрланишига салбий таъсирини аниқлашга имкон берди. Олимлар Озарбайжон ССР Фанлар академияси табиий ресурслар космик тадқиқотлари институтида ишлаб чиқилган шу материаллар асосида ўлик шўр кўлни қуритиш борасидаги тавсияларни деҳқонларга топширдилар. Бу тавсия яна 30 минг гектар нафли майдон олишга имкон беради.

Институтнинг олимлари ва конструкторлари яратган автоматлаштирилган кўчма информацион ўлчаш комплекси тупроқшунослар, агрохимиклар, мелиораторларнинг буюртмаларига биноан кўпдан-кўп тадқиқотларни чаққон ва ғоят аниқ бажаришга имкон беради. Бу кўчма лаборатория табиий муҳитнинг агрофизик ва гидрометеорологик параметрлари тўғрисидаги жуда кўп маълумотларни йиғади ва сақлайди.

Кўчма платформа янги тадқиқот жойига ҳали етиб бормасидан унда ўрнатилган электрон-ҳисоб машинасининг хотираси шу қишлоқ хўжалик массиви тўғрисида бундан аввал космосдан олинган ва институтнинг лабораторияларида маъноси чиқарилган зарур ҳамма маълумотларни чаққон тайёрлаб беради.

— Коллективимиз космик табиатшунослигининг илмий асосларини ишлаб чиқмоқда, ерни олисдан зондлайдиган приборлар комплексини, ер сунъий йўлдошлари билан ишлайдиган информацион ўлчаш системаларини яратади ва халқ хўжалигига жорий этади, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда институт директори, техника фанлари доктори Т. Исмоилов. — Маълумки, қишлоқ хўжалигининг актуал масалаларини ҳал этиш, фойдали қазилмаларни разведка қилиш, атроф муҳитнинг ҳолатини контроль қилиш вазифаларини бир қанча ҳолларда космик техника воситалари ердаги анъанавий методлар ва аэрометодларга нисбатан чаққон ва камчиқим бажаради. Институтда космик аппаратларнинг ичидан олинувчи маълумотлардан халқ хўжалигида фойдаланиш методлари ва воситалари ишлаб чиқилмоқда.

«Интеркосмос» программаси бўйича ишлар ҳам бажарилмоқда. Конструкторларимиз ясаган приборлар Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакияда табиий ресурсларни аниқлаш ва улардан мақбул тартибда фойдаланишда қўлланмоқда.

Бокулик олимлар бажараётган тадқиқотларнинг амалга оширилиши сезиларли иқтисодий ва экологик самара беради. Масалан, «Нефтечала» программаси ҳозир деҳқончилик учун яроқсиз шўрхок тупроқнинг шўрлик даражасини аниқлашни мақсад қилиб қўйганди. Уни бажариш чоғида Нефтечала районидаги ерларнинг бир қисмини соғломлаштириш ва уни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш борасида конкрет тавсиялар, зовур сувидан ва маҳаллий коръхоналарнинг саноат оқинди сувидан ош тузи, бошқа қимматли элементларни ажратиб олиш борасида конкрет тавсиялар бериш мумкин бўлди. Бу нарса каттагина иқтисодий самара беради, Каспий билан Курага зарарли моддаларнинг ташланишига йўл қўймайди.

Институтнинг конструкторлик бюросида ёпиқ хаёт, таъминот системаси учун озон генератори яратилди, юрак-қон томир касалликларига олисдан диагноз қўйиш учун медицина телеметрияси системаси тайёрланди. Бунинг учун юракнинг биопотенциаллари радио-телефон орқали юборилиб туради. Бу ечимларни жорий этишдан бултурнинг ўзидагина бир неча миллион сўмлик иқтисодий самара олинди.

Н. БАРСКИЙ,
ТАСС мухбири.

ТО УПРАВДАМЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. САИДМУРОДОВ: Тошкент шаҳрида авиация техникуми бор экан. Айтингчи, ана шу техникумда қандай ихтисосликдаги касб эгалари тайёрланади?

Жавоб: Тошкентдаги авиация техникуми Куйбишев кўчасидаги 12-уйда жойлашган. У ерга барча турдаги шаҳар транспортида бориш мумкин. Транспортларнинг «Революция хиёбони» бекатида тушилади. Авиация техникумида бир қанча касб эгалари, шу жумладан самолётсозлик, металларга қирқиш йўли билан ишлов бериш, асбобсозлик ишлаб чиқариши, саноат жиҳозларини монтаж қилиш ва ремонтдан чиқариш, программали бошқариладиган станоклардан фойдаланиш ва уларни созлаш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Техникумда ўқиш муддати икки ярим йилдан тўрт ярим йилгача қилиб белгиланган. Ўқиш мудлати танланган ихтисослик ва ўқишга қабул қилинган шахсларнинг маълумотига қараб белгиланади.

* * *

Р. ЖОНБОЕВ: Менинг Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун «Запорожец» автомашинаси бериш тартиби қизиқтиради. Шу боисдан илтимосимни бажо келтирсангиз.

Жавоб: Қўл билан бошқариладиган «Запорожец» автомобилини олиш ҳуқуқини таъминлайдиган медицина хулосаси ва автотранспортни бошқариш ўша шахсга тўғри келиши тўғрисидаги справкалар бўлган ҳоллардагина текинга давлат томонидан берилади. Бундай автомобиллар халқ депутатлари область Совети ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг социал таъминот бошқармалари (бўлимлари) томонидан сотмаслик ва бошқа шахсларга бермаслик шарти билан Улуғ Ватан уруши инвалидларига етти йил муддатга текинга берилади. Ана шу муддат тугагач, лъни «Запорожец» автомобилидан етти йил фойдаланиш муддати тугагандан сўнг, у белгиланган тартибда бошқасига алмаштириб берилади.

* * *

С. БЕГИМҚУЛОВ: Куни кеча матбуотда 1981 йилги хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионлари бўлган совет хоккейчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни ўқиб қолдим. Айтингчи, бизнинг хоккейчиларимиз биринчи бор қайси йили шундай юксак унвонга сазовор бўлишди? Мамлакатимизда қачондан бошлаб хоккей бўйича мусобақалар ўтказилади?

Жавоб: Совет спортчилари 1954 йилдан бошлаб халқаро хоккей мусобақаларида қатнаша бошлашган. Шу йилги қадам жуда қутлуғ бўлган. Чунки улар жаҳон чемпионлари деган юксак ва шарафли унвонга сазовор бўлишган. Совет Иттифоқида дастлабки расмий учрашувлар анча илгарироқ бошланган эди. 1946 йилнинг декабрь ойидан бошлаб бундай учрашувларни ўтказиш йўлга қўйилган эди.

* * *

М. ИРИСОВА: Мен медицина ҳамшираси бўлмоқчи эдим. Шаҳримизда шундай касбни ўргатадиган билим юртлари борми?

Жавоб: Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти ва Боровский номидаги Тошкент медицина билим юртида юксак малакали медицина ҳамширалари тайёрланади. Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан шу билим юртларининг дирекциясига учрашишингизни маслаҳат берамиз.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

28 МАЙ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/V да **Кузнинг биринчи куни**, 29/V да **Келинлар қўзголони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28, 29/V да **Гулсара**, 30/V да **Ишонмасанг ўламан**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 28/V да **янги программа. Кулги кечаси.**

КИНО

28 МАЙДА:

Ҳужжатли фильмлар:

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (6—7-сон) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ВАТАНИНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ» — **Қозоғистон.**

«УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.**

Бадиий фильмлар:

«СИЦИЛИАНЧА ҲИМОЯ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Фестиваль** (ёзги — 21.45 да, телефон 32-78-04), «ТЕРГОВ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Хива** (21.45).

«ДАМ ОЛУВЧИЛАР ҲАЁТИДАН» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«ТУНГИ ҲОДИСАЛАР» — **Восток** (кичик зал, тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-14-59), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Нунус** (тоқ соатларда),

«МЕНИНГ ОТАМ ИДЕАЛИСТ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02),

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда),

«ЭКИПАЖ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

29 МАЙДА:

Ҳужжатли фильмлар:

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (6—7-сон) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ВАТАНИНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ» — **Қозоғистон.**

Бадиий фильмлар:

«СИЦИЛИАНЧА ҲИМОЯ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Фестиваль** (ёзги, 21.45 да, телефон 32-78-04), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТЕРГОВ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-03-30), **Москва** (тоқ соатларда), **Хива** (21.45).

«ДАМ ОЛУВЧИЛАР ҲАЁТИДАН» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда),

«ТУНГИ ҲОДИСАЛАР» — **Восток** (кичик зал, тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-14-59), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Нунус** (тоқ соатларда),

«МЕНИНГ ОТАМ ИДЕАЛИСТ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02),

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда),

«ЭКИПАЖ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

Тошкент телефон тармоғининг абонентлари

ДИҚҚАТИГА!

Абонентларга қулайлик яратиш ва яхши хизмат кўрсатиш мақсадида шаҳарлараро телефон станцияларидан фойдаланувчилар учун шаҳарлараро телефон станцияларидан кредитга гаплашиш

ПУНКТЛАРИ ОЧИЛДИ

76-77-78 АТС абонентлари учун Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви 12-квартал, 1-уй, 53-56 АТС абонентлари учун Ш. Руставели кўчаси, 51-уйда жойлашган пунктлар хизмат қилади.

Иш вақти якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача.

Республика шаҳарлараро телефон станцияси.

ҚАЙСИ БИРИ ТОТЛИ БЎЛСА...



«СКУМБРИЯ», САРДИНА», «СТАВРИДА»...

Бу балиқлар гўштининг майин ва мазали эканлиги унинг таркибида оқсил, минерал моддалар ҳамда нормал модда алмашинуви учун зарур бўлган витаминлар мавжудлигидандир.

Бу балиқлардан кўп хил консервалар тайёрланади, қўшилган соус, ёг, зираворларнинг хилма-хиллигига қараб, уларнинг ҳам мазаси ҳар хил бўлади.

Консерва банкани очиб, сиз ундан қисқа муддатда турли сабзавот қўшилган, иштаҳа билан ейиладиган таом тайёрлашингиз мумкин.

Агар консервани ёпиб дастурхонга қовурилган картошка билан тортадиган бўлсангиз — мазали ва тўйимли овқат бўлади.

Агар Сиз балиқ консервасини қаймоқ ва картошка билан бирга тайёрлаб дастурхонга тортсангиз, дўстларингизга манзур бўлади.

Балиқ консервасини очиб, бўлакларини товага солинг, атрофига ёғда қовурилган картошка жойланг. Балиқ устига қайнатилган тухум бўлакларини қўйиш мумкин, устидан тайёрланган соус қуйилади. Соус қуйидагича тайёрланади: қаймоқ оловда қиздирилади, қайнаб чиққач, бир ош қошиқ ёғда қорилган ун устидан сепилади. 1—2 минут қайнагач, туз аралаштирилади. Устига соус қуйилган балиққа озгина мой қўшилиб, духовкага 10—15 минутга қўйиб димланади. Таомни дастурхонга тортиш олдидан устига майда тўғралган кўкат сепилади. Бодринг бу таомга ярашиқлидир.

Бир банка консервага — 800 грамм картошка, 2/2 етакан қаймоқ, бир чой қошиқ ун, икки дона тухум, уч ош қошиқ ёғ.

ҚУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!

СИЗЛАРНИ ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

Бу магазинларда ҳамма вақт қуйидаги балиқ консерваларини харид қилишингиз мумкин: ёғ қўшилган ставрида, ёғда димланган ставрида, ёғда пиширилган сардина, ёғ қўшилган скумбрия, горбушлар бор.

Чилонзор райпишчеторги.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон агентлиги.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲОЗИР СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҚАТЪИЙ БИР МАСАЛА КУНДАЛАНГ ТУРИБДИ: «КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА БОРИШ КЕРАК?», «ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ КЕРАК?». БУ САВОЛЛАРГА СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАЧ ЖАВОБЛАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

ШАҲРИМИЗДА 51 ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 125 ХИЛ КАСБ БЎЙИЧА 35 000 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

КЎНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

5- ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист, аёллар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист, аёллар ва болалар енгил кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист, тикув буюмлари контролери.

8 синф ҳажмда маълумот билан кирган ўқувчилар 3 йил ўқиб, ўрта маълумот ва ихтисос оладилар, кийим-кечак ва бепул овқат билан таъминланадилар; 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йил, ойига 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар. **Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.**

Билим юртида «Қизил чинниғул» комсомол-ёшлар клуби тузилган бўлиб, техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секцияларида машғулотлар ўтказилади.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар тайёрлов Советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга тавсия қилинадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайдилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, 100 алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 8, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 3, 18, 45, 50, 54, 57, 58, 80-автобуслар; 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбусларнинг «Театральная» бекати). Телефон 53-36-45.

«Главташкентстрой» базасидаги

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

қурилиш дурадгори, қурилиш бўёқчиси, пардозловчи-кошинкор, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати — 3 йил. 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1 йил бўлган группаларда: дурадгор, паркет ётқизувчи, пардозловчи, электр пайвандчи, конвейер линиялари ускуналарида пультни бошқарувчи оператор. 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар, Тошкентга пропискага ўтказиладилар.

Техника-билим юрти ўқувчилари ўқиш даврида уч маҳал бепул овқат, байрамларда ва ишга кийиладиган кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини ҳажмида мукофот пули оладилар.

Бир йил ўқийдиган ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ўқув юртларига йўлланма оладилар ва имтиёзли равишда ўқишга кирадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик, вокаль-чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турали.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахан кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Зеленый базар» бекати, 1, 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати). Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.

158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШЛАШ УЧУН **бўёқчи** (қурувчи), **дурадгор** (қурувчи). **Ўқиш муддати—3 йил; электр пайвандчи, бадиий безаш бўйича бўёқчи, сувоқчи-пардозловчи-кошинкор, дурадгор-паркетчи. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил.**

8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

10 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил. 45 сўм стипендия тўланади. Ўқишга кирганлар уч маҳал бепул овқат билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар;

8 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати —3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ўрта маълумот оладилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрига пропискага ўтказиладилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

АРИЗАЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси, 44-уй (64, 65-автобуслар, 1, 2, 4, 6, 7, 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Хадра» бекати).

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси базасидаги

128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассислар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

8 синф ҳажмида маълумотлилар (ўқиш муддати — 3 йил) **— ҳаракатдаги трамвай ва троллейбус составини ремонти бўйича слесарь, тортиш подстанцияларини диспетчери, автослесарь, трамвай ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратуралари ремонти бўйича слесарь-электрик, электромеханика ва радиотехника системаларининг монтажчиси;**

Ўрта ҳажмда маълумоти бўлганлар (ўқиш муддати — 10 ой) **— трамвай вагонларини ҳайдовчи, троллейбус ҳайдовчи, автослесарь, контактли ва кабелли тармоқлардан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электр монтёр, электромеханика ва радио техника системаларини монтажчиси;**

Қуролли Кучлар сафидан запаста бўшатилган йигитлар ҳамда 17,5 ёшдан катта ёшдаги қизлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати қуйидагича: трамвай ҳайдовчи — 5 ой, троллейбус ҳайдовчи — 6 ой, стипендия — 75 сўм.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎҚУВ ГРУППАЛАРИ КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

БОШҚА КАТЕГОРИЯДАГИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ўқиш даврида давлат томонидан таъминланадилар ва ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 30 процентини оладилар. Ўрта маълумотли ўқувчилар 30 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар шаҳар электр транспорти ходимларига берилган имтиёзлардан фойдаланадилар, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточний кўчаси. 3«а»-уй (1, 17«э», 69-автобуслар; 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг «Красновосточний депоси» бекати).

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА ТЕМИР ЙЎЛДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

МЕТРОПОЛИТЕН УЧУН: **электр поездлар, электр ускуналарининг ремонти бўйича электр слесарь, станция навбатчилари, экскаватор машинисти, тортиш подстанцияларининг электр монтёри, электромонтёр, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, слесарь-сантехник;**

ТЕМИР ЙЎЛ УЧУН: **тепловоз машинисти** (10 класс ҳажмида маълумоти бўлган Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади) **тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти, электромонтёр, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, товар билети ва багаж кассири, багаж ва юк қабул қилиб топширувчи.**

8—10 синф ҳажмда маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1—3 йил.

8 синф ҳажмда маълумот билан ўқиганлар билим юртини тамомлаганларидан сўнг ўрта ҳунар-техника маълумоти тўғрисида диплом оладилар. Давлат томонидан кийим-кечак оладилар, уч маҳал овқат билан таъминланадилар; 10 синф ҳажмда маълумотлилар ойига 30 сўм стипендия оладилар ва тепловоз машинисти группасида ўқувчиларга 72 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга малакали мутахассислар маошининг 50 процентини ҳажмида пул мукофоти берилади.

Ҳамма ўқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг иш билан таъминланадилар ва уларга темирйўлчиларга берилган имтиёзлар берилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (4, 7, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайлар; 18, 54-автобуслар; 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Киров номли парк» бекати). Телефон 53-43-52.

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Якка тартибда эркаклар устки кийимини тикувчи, якка тартибда аёллар устки кийимини тикувчи, якка тартибда аёллар енгил куйлагини тикувчи, ошпазлар, қандолатчилар, мураккаб маиший хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, озиқ-овқат моллари сотувчилари, фотографлар, аёллар ва эркакларнинг сартарошлари.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 1—1,5 — 2 — 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 1/2-Қорақамиш массиви, (42, 43, 43«э», 56-автобуслар, 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати).

226-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Самолётга хизмат кўрсатувчи электромонтёр, сонли бошқариш программасида ишловчи станоклар токари, электр-газ пайвандчи, универсаль фрезерчи, моделчи дурадгор, сонли бошқариш программасида ишловчи станокларни созлаш бўйича электрончи, йиғувчи слесарь, слесарь-сантехник-газпайвандчи, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Группалар спортга мойиллик нуқтаи назаридан комплектланиб, ўқишга кириш вақтида разрядчи-спортчилар алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва иш кийимлари билан таъминланадилар.

Билим юртида ўқиш муддати — 10 синф маълумотидагилар учун 1 йил, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақидан 33 процент, 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга эса ойига қўшимча 35 сўм стипендия тўланади.

Билим юртида тайёрлов курслари ишлаб турибди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (битирувчиларнинг 10 проценти) келгусида политехника институти, физкультура институти, авиация техникуми, индустриал техникуми, шунингдек учувчилар билим юрти, граждан авиацияси институтида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Қолган барча ўқувчилар ишлаш учун В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади.

Автомобиль ҳаваскорлари учун автомобилни ўрганиш бўйича техника группаси ташкил этилади. Билим юртида автокабинет мавжуд бўлиб, у энг замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган. Чунончи, картингистлар группаси мавжуд.

Тикиш-бичишни ўрганишни хоҳловчилар учун тикиш ва бичиш синфи ташкил этилган. Мусиқа ва қўшиқни севувчилар учун бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Билим юртида катта спорт комплекси мавжуд: стадион, спорт зали, курашнинг ҳамма турлари бўйича (жумладан каратэ) спорт секциялари ишлаб турибди. Ўқувчилар спортнинг ўйин турлари: баскетбол, волейбол, футбол, отиш секцияларида қатнашишлари мумкин.

Авиация ишини севувчилар учун авиамодель тўгараги, фотокино ҳаваскорлар тўгараги, радио ва телевизор тузатиш ишлари бўйича тўгараклар мавжуд.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82«а»-уй (8, 48, 80-автобусларнинг «Поликлиника» бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танланган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги юқидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий кишилар), бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахсий делосига ёзиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танлаган касби бўйича ишлаш учун соғлиги ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

28 МАЙ — ПАЙШАНБА

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Сўлим баҳор». Концерт. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Тарбияга комплекс ёндошиш». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Мамлакат далаларида». 19.45 «Биргаликда ақил оиламиз». 20.15 «Бугун — Чегарачилар куни». 20.25 «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. «21-йилнинг тинч, осуда ёзи». 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Чегарачилар кунига бағишланган концерт. Давлат Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. Концерт тугагач — (23.05) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.05 Концерт. 20.30 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. СССР — ГФР терма командалари. 2-тайм. ЧССРдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Ўгрюм дарё». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. «Ҳалокат».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Жасур бўлиш осонми». Мультфильм. 18.30 «Зангори экран» почтаси. 19.00 «Аср рассоми». Шарқнинг буюк миниатюрачиси Камолиддин Беҳзод туғилган кунининг 525 йиллигига (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Бугун — Чегарачилар куни. «Энг жанубий чегараларда» (рус.). 20.15 «Ем-хашак ишлаб чиқариш резервлари». 20.30 «Ахборот». 20.50 Танбур ва сато тароналари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 «Йўлбарс». Бадиий фильм (рус.). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Ларза». 19.05 «Классик композиторларнинг симфоник асарлари». 20.00 Янгиликлар. 20.15 «Жанговар постда». (рус.). 20.45 Абитуриентлар учун. Физика.

29 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. «21-йилнинг тинч, осуда ёзи». 2-серия. 11.10 «Юлдузча». Болалар учун кинольманах. 12.00 РСФСР халқ артисти Ф. Лузанов чалади (виолончель). 12.20 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Менинг ўрнимга тур». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 «Кувноқ стартлар». Донецкдан олиб кўрсатилади. 16.55 Ўрмон ходимлари. «Форесталия» эркаклар хорининг концерти». (Эстония). 17.10 «Подмосковье учрашувлари». 17.40 «Мунозара-клуб». 19.00 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хорининг чиқиши. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 20.00 Монголия Халқ республикаси Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.15 «Экранда — кинокомедия» «Икки дўст, модель ва дугона». 21.30 «Время». 22.05 «Балли, қизлар!» Санаторий-курорт хизмати тармоғи ходимлари ва халқаро ёшлар туризми бюроси хизматчиларининг телевизион конкурси. Ганаффос пайтида (23.10) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Шимол жилолари». Илмий-оммабоп фильм. 19.55 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Италия — СССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар» 21.30 «Время». 22.05 «Афанди». Телевизион бадиий фильм. Турк ёзувчиси Нозим Ҳикматнинг шу номли пьесаси мотивлари асосида. 1- ва 2-сериялар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бўронвой». Кўғирчоқ фильм. 18.40 «Ўсмирлар ижоди». 19.20 «Барьер устида». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»). 19.30 «Ахборот (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». 20.15 «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 20.30 «Ахборот». 20.50 Чет эл эстрадасининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Химиклар кунига. «Олмалиқ шаҳри», «Химия гиганти», «Менинг оқ уйимга кир». Телефильмлар (рус.). 19.35 «Она шаҳрим — Тошкентим». 20.00 Янгиликлар. 20.15 «Типик-тинчимас характер». Телефильм. 20.45 Абитуриентлар учун. Математика.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси коллективи янги тартибда кийимлар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг кадрлар бўйича директор ўринбосари

Миргани Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 22-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 33-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 39-90-50.

28 МАЙ, 1981 й. Р— 07157. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В— 2131. 5